ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 4 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ВА ФАОЛИЯТНИ БАҲОЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ТИЗИМИ (KPI) ТАҲЛИЛИ: МУАММОЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

Усманов Алишер Толмасович
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

https://doi.org/10.5281/zenodo.23153973

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ходимлар фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими (KPI) комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда фаолиятни баҳолашда фақат миқдорий (статистик) кўрсаткичларга таянишнинг салбий оқибатлари ёритилиб, илғор хорижий давлатлар (Германия, Япония ва Буюк Британия) тажрибаси асосида хизмат кўрсатишга йўналтирилган моделга ўтиш зарурлиги асосланган.*

Шунингдек, рақамли инфратузилмадаги «маълумотлар изоляцияси» (Data-Silo) муаммоси ҳамда ички ишлар органлари билан ҳамкорликдаги қўшма патруллик хизмати жараёнида юзага келаётган ҳуқуқий коллизиялар ва процессуал ноаниқликлар кўриб чиқилган.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида муаллиф томонидан инновацион «Рақамли-интеграциялашган рейтинг модели»ни (Digital-Integrated Rating Model - DIRM) миллий қонунчиликка жорий этиш таклиф қилинган, шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича аниқ амалий хулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: *Миллий гвардия, маъмурий ҳуқуқни қўллаш, фаолиятни баҳолаш (KPI), хизмат кўрсатишга йўналтирилган полиция, рақамлаштириш (E-Patrol), Рақамли-интеграциялашган рейтинг модели (DIRM), жамоат хавфсизлиги, маъмурий юрисдикция*

АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ПРИМЕНЕНИЯ АДМИНИСТРАТИВНОГО ПРАВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИЕЙ И ДЕЙСТВУЮЩЕЙ СИСТЕМЫ ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ (KPI): ПРОБЛЕМЫ И ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ

Аннотация. *В статье представлен комплексный анализ практики применения административного права Национальной гвардией Республики Узбекистан и действующей системы ключевых показателей эффективности (KPI). Рассматриваются негативные последствия использования исключительно количественных (статистических) показателей оценки, а также обосновывается необходимость перехода к сервисно-ориентированной модели правоохранительной деятельности на основе передового зарубежного опыта (Германии, Японии и Великобритании).*

Особое внимание уделяется проблемам «разрозненности данных» (Data-Silo) в цифровой инфраструктуре и правовым коллизиям, возникающим при несении совместной патрульной службы с органами внутренних дел.

Для системного решения выявленных проблем автором предлагается внедрение инновационной «Цифро-интегрированной рейтинговой модели» (Digital-Integrated Rating Model – DIRM), а также выдвигаются конкретные предложения по совершенствованию национального законодательства и ведомственных нормативных актов.

Ключевые слова: *Национальная гвардия, применение административного права, оценка эффективности (KPI), сервисно-ориентированная полиция, цифровизация (E-Patrol), Цифро-интегрированная рейтинговая модель (DIRM), общественная безопасность, административная юрисдикция.*

ANALYSIS OF THE ADMINISTRATIVE LAW ENFORCEMENT PRACTICE OF THE NATIONAL GUARD AND THE CURRENT PERFORMANCE EVALUATION SYSTEM (KPI): PROBLEMS AND INNOVATIVE SOLUTIONS

Abstract. *This article presents a comprehensive analysis of the administrative law enforcement practices of the National Guard of the Republic of Uzbekistan and the current system of Key Performance Indicators (KPI). The study highlights the negative consequences of relying solely on quantitative (statistical) metrics for evaluation and substantiates the necessity of transitioning to a service-oriented law enforcement model, drawing on the advanced experiences of foreign countries such as Germany, Japan, and the UK. Special attention is given to the problems of "Data-Silos" in the digital infrastructure and legal collisions arising during joint patrol services with internal affairs bodies. To systematically address the identified issues, the author proposes the implementation of an innovative "Digital-Integrated Rating Model" (DIRM) and puts forward specific recommendations for improving national legislation and departmental regulations.*

Keywords: *National Guard, administrative law enforcement, performance evaluation (KPI), service-oriented policing, digitalization (E-Patrol), Digital-Integrated Rating Model (DIRM), public security, administrative jurisdiction.*

Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт босқичида давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида бўлгани каби жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳам концептуал жиҳатдан мутлақо янги, инсонпарвар ва халқчил тамойилларга асосланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ш.М. Мирзиёев* томонидан илгари сурилган ва бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган *“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”* деган эзгу ғоя, шунингдек, *“Инсон – жамият – давлат”* парадигмаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятининг туб моҳиятини белгилаб бермоқда[1].

Ушбу кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади – жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда жазоловчи, репрессив усуллардан бутунлай воз кечиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий профилактика ва *“Хавфсиз маҳалла”* тизимларини яратишдан иборатдир. Мазкур глобал трансформация жараёнларида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми тубдан қайта кўриб чиқилиб, унинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ва маъмурий юрисдикция фаолиятини амалга оширишда янгича ҳуқуқий механизмлар жорий этилди.

[1] *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 24.

Бироқ, маъмурий-ҳуқуқий ваколатларнинг кенгайиши ҳамда жамият олдидаги масъулиятнинг ортиши мазкур тузилма фаолияти самарадорлигини холис, шаффоф, адолатли ва илмий асосланган индикаторлар, яъни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари *(KPI)* орқали баҳолашни бевосита тақозо этади. Шу ўринда, алоҳида таъкидлаш жоизки Миллий гвардиянинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва унинг фаолиятини баҳолашнинг бугунги кундаги амалдаги тизимини, мавжуд норматив-ҳуқуқий базани ҳамда амалиётда юзага келаётган тизимли муаммоларни комплекс, илмий-академик ва танқидий таҳлил қилишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш масаласи кўп йиллар давомида ҳуқуқшунослик, криминология ва давлат бошқаруви назарияси соҳасидаги кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Шундай бўлса-да, айнан ўзига хос икки томонлама табиатга эга бўлган – яъни, бир вақтнинг ўзида ҳам ҳарбий тузилма, ҳам жамоат тартибини сақловчи ва маъмурий юрисдикцияни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вазифаларини бажарувчи Миллий гвардия фаолиятини баҳолашнинг ягона, универсал назарий концепцияси ҳалигача фанда тўлиқ шаклланмаган. Ушбу муаммонинг илмий-назарий ечимини топиш мақсадида миллий ва хорижий олимларнинг қарашларини қиёсий-танқидий таҳлил қилиш талаб этилади.

Ўзбек юридик фанида маъмурий-ҳуқуқий фаолият, жамоат хавфсизлигини таъминлаш механизмлари ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда исботлаш жараёнлари бўйича кенг кўламли ва салмоқли изланишлар олиб борилган. Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва унинг илмий-назарий таҳлили масалалари *Ш. Тўрахонов* ва *Н. Абдурасулов* каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган [2]. Уларнинг илмий изланишларида жамоат хавфсизлиги фақатгина ҳуқуқбузарликлар статистикаси билан эмас, балки фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун яратилган ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароитлар мажмуи сифатида талқин этилади. Бу ёндашув фаолиятни баҳолашда қуруқ рақамларга *(масалан, ушланган шахслар ёки расмийлаштирилган баённомалар сонига)* эмас, балки аҳолининг розилиги ва хавфсизлик ҳиссига асосланиши кераклигини илмий жиҳатдан асослайди.

Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётининг энг муҳим босқичи бўлган далилларни йиғиш, мустаҳкамлаш ва баҳолаш масалалари процессуал ҳуқуқ доирасида кескин мунозараларга сабаб бўлган йўналишлардан биридир. Тадқиқотчилар *Г.З. Тулаганова* ва *В.С. Балакшин* каби олимларнинг илмий мақолалари ва диссертацияларида исбот қилиш жараёнининг босқичлари бўйича ўзига хос концепция илгари сурилган[3]. Улар далилларни мустаҳкамлашни уларни тўплашдан кейинги навбатда турувчи исбот қилишнинг мутлақо мустақил ва алоҳида босқичи сифатида қайд этадилар. Ушбу олимларнинг қарашларига кўра, исбот қилиш жараёни қатъий равишда тўрт босқичдан –

[2] *Тўрахонов Ш., Абдурасулов Н.* Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳамда илмий таҳлили // Тергов амалиёти / Следственная практика – 2022. – № 4 (16-сон). – URL: https://anyflip.com/husmc/atyh/basic

[3] *Гафуров М.* Жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тушунчаси, уларнинг исбот қилиш жараёнида тутган ўрни // Тергов амалиёти / Следственная практика. – Тошкент, 2022. – № 4 (16). – Б. 3-4.

далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш босқичларидан иборат деган хулосага келинади. Бу концепцияни Миллий гвардиянинг бевосита маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этадиган бўлсак, хизматчининг патруллик давомида ҳуқуқбузарлик ҳолатини визуал ёки техник воситалар ёрдамида аниқлаши *(тўплаш),* сўнгра уни бодикамера хотирасига ёки маъмурий баённомага расмийлаштириши *(мустаҳкамлаш),* алоқа каналлари ва электрон базалар орқали шахснинг муқаддам судланганлигини ёки маъмурий жавобгарликка тортилганлигини аниқлаши *(текшириш)* ва ниҳоят тегишли процессуал қарор қабул қилиши *(баҳолаш)* шаклида намоён бўлади.

Бироқ, мазкур назарий ёндашув маҳаллий юридик адабиётларда барча олимлар томонидан бир хилда ва сўзсиз қабул қилинмаган. Жумладан, олим *Б.А. Ражабовнинг* фикрига кўра, далилларни мустаҳкамлаш исбот қилиш жараёнининг алоҳида, мустақил босқичи эмас, балки маълумотларни процессуал тартибда қайд этишнинг *(фиксация қилишнинг)* ўзидир[4]. Муаллиф ушбу жараёнларни сунъий равишда бўлиб ташлаш ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштиради, деган позицияни илгари суради.

Мазкур диссертациявий тадқиқот доирасида юқоридаги илмий баҳслар чуқур таҳлил қилиниб, *Б.А. Ражабовнинг* позицияси маъмурий процессуал ҳуқуқ, хусусан, жамоат тартибини сақлаш шароитидаги Миллий гвардия фаолияти нуқтаи назаридан кўпроқ қўллаб-қувватланади. Бунинг илмий асоси шундан иборатки, маъмурий юрисдикцияда, айниқса кундалик патруль-пост хизмати жараёнида *(масалан, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш ёки майда безорилик ҳолатларида)*, далилни *“тўплаш”* ва *“мустаҳкамлаш”* аксарият ҳолларда вақт ва макон жиҳатидан битта яхлит, синхрон ҳаракат доирасида бирлашиб кетади. Бугунги рақамлаштириш шароитида ҳуқуқбузарлик ҳолатини бодикамера орқали узлуксиз видеотасвирга олишнинг ўзи ҳам далилни тўплаш, ҳам уни реал вақт режимида электрон воситада мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бу процессуал ҳаракатларни сунъий равишда турли босқичларга ажратиш Миллий гвардия ходимларининг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётини назарий жиҳатдан ортиқча бюрократлаштириб юборади ва амалиётда тушунмовчиликларни юзага келтиради. Шу сабабли, Миллий гвардия фаолиятини баҳолаш (KPI) мезонларини ишлаб чиқишда хизматчининг процессуал ҳаракатларини босқичма-босқич эмас, балки яхлит *“ҳуқуқий ва техник фиксация” (қайд этиш)* жараёни сифатида интеграциялашган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ҳанузгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолашда асосан миқдорий *(квантитатив)* кўрсаткичларга таяниш анъанаси сақланиб қолмоқда. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони, ушланган шахсларнинг умумий салмоғи, ундирилган маъмурий жарималар ҳажми каби статистик маълумотлар фаолият самарадорлигининг асосий ўлчови сифатида талқин қилиниши ҳолатлари кузатилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баҳолашда фақат статистикага таяниш тизимда ходимлар ўртасида *“кўрсаткич учун ишлаш” (палочная система)* носоғлом рақобатини келтириб чиқаради, бу эса жамоатчиликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончини кескин пасайтиради.

Шунингдек, сўнгги йилларда, хусусан, охирги 3-5 йил ичида Scopus ва Web of

[4] Ўша манбаа: https://anyflip.com/husmc/atyh/basic

Science каби нуфузли халқаро илмий-метрик базаларда чоп этилган хорижий криминология, полиция ҳуқуқи *(Police Law)* ва маъмурий ҳуқуқ доирасидаги тадқиқотларда маъмурий ҳуқуқни қўллаш ва баҳолаш тизимлари бўйича мутлақо янги концепциялар кенг муҳокама қилинмоқда. Жаҳон юридик фанида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини ташкил этишда *"Хизмат кўрсатувчи полиция" (Service-oriented policing), "Муаммоларга йўналтирилган фаолият" (Problem-oriented policing)* ва *"Жамиятга асосланган полиция" (Community policing)* моделлари асосий парадигма сифатида эътироф этилмоқда.

Германия маъмурий ҳуқуқ мактаби вакилларидан *H.J.Albrecht*[5] ва *K.H. Gössel*[6] каби олимлар маъмурий мажбурловни қўллаш жараёнида "Мутаносиблик тамойили" *(Verhältnismäßigkeitsprinzip)* концепциясини илмий жиҳатдан чуқур асослаб берганлар. Уларнинг назарий қарашларига кўра, давлат органи вакилининг, шу жумладан, полиция ёки гвардия ходимининг ҳар қандай маъмурий-процессуал ҳаракати кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун фуқаронинг ҳуқуқларига энг кам зарар келтирувчи восита бўлиши шарт. Ушбу тамойил учта ички суб-элементдан ташкил топади: *воситанинг мақсадга мувофиқлиги (Geeignetheit), зарурлиги (Erforderlichkeit)* ва *мутаносиблиги (Angemessenheit).* Германияда Федерал полиция *(Bundespolizei)* ва ер полициялари *(Landespolizei)* фаолиятини KPI асосида баҳолашда ходим томонидан нечта баённома тузилгани эмас, балки айнан шу мутаносиблик тамойилига қанчалик риоя қилинганлиги асосий индикатор ҳисобланади. *Масалан,* баённомаларнинг маъмурий судлар томонидан бекор қилинмаганлик улуши ҳамда фуқаролар шикоятларининг минималлиги ходим фаолиятини ижобий баҳолаш учун бош мезон вазифасини ўтайди.

АҚШ ва Буюк Британия олимлари, хусусан, *D.H. Bayley* [7], *H. Goldstein* [8], *L. W. Sherman*[9] каби криминологлар эса фаолиятни баҳолашда "Жамоатчилик ишончи ва легитимлик" *(Community trust and legitimacy)* концепциясини ёқлайдилар. *Роберт Пилнинг* тарихий тамойилларига асосланган инглиз-саксон ҳуқуқ тизимида полициянинг кучи унинг жамият томонидан тан олиниши билан ўлчанади. Буюк Британияда HMICFRS *(Her Majesty's Inspectorate of Constabulary and Fire & Rescue Services - Ҳазрати Олияларининг Полиция ва ўт ўчириш хизматлари инспекцияси)* томонидан кенг қўлланиладиган PEEL *(Police Effectiveness, Efficiency, and Legitimacy – Полициянинг Самарадорлиги, Натижадорлиги ва Легитимлиги)* баҳолаш астури бунга яққол мисолдир. Мазкур дастур асосида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баҳолаш фақат содир этилган ва рўйхатга олинган ҳуқуқбузарликлар статистикасига эмас, балки локал ҳудуддаги муаммоларнинг қанчалик тез ҳал этилгани, маблағларнинг тўғри сарфлангани ва энг асосийси, аҳоли ўртасида мунтазам ўтказиладиган репрезентатив сўровномалар натижаларига асосланади.

---

[5] Albrecht H.-J. Evaluation polizeilicher Tätigkeit und Kriminalprävention // Monatsschrift für Kriminologie und Strafrechtsreform. – 2015. – № 3. – S. 185-198.
[6] *Gössel K.H.* Strafverfahrensrecht. – Stuttgart: Kohlhammer, 2011. – S. 112-115.
[7] *Bayley D. H.* Police for the Future. – New York: Oxford University Press, 1994. – P. 82.
[8] *Goldstein H.* Problem-Oriented Policing. – New York: McGraw-Hill, 1990. – P. 45-46.
[9] *Sherman L. W.* Trust and Confidence in Criminal Justice // National Institute of Justice. – Washington, DC: U.S. Department of Justice, 2001. – P. 5.

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 4 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

Япония ҳуқуқ тизимида эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ўзига хос модели шаклланган бўлиб, бу тизим маҳаллий олимлар *S.Miyazawa* [10] ва *K. Amano* [11] томонидан кенг тадқиқ этилган. Улар марказий ўринга "Кобан" *(Koban – маҳаллий полиция таянч пунктлари)* тизимини қўядилар. Япон моделлари бўйича изланишлар олиб борган мутахассисларнинг хулосаларига кўра, баҳолаш мезонлари сифатида хизматчининг ўз ҳудудидаги аҳоли билан индивидуал мулоқот қила олиш қобилияти, ҳудуд инфратузилмасини билиши ва ижтимоий профилактикани амалга ошириши биринчи ўринга чиқади. Японияда патруль ходимининг маъмурий амалиёти аксарият ҳолларда фуқарони жазолашга ёки жаримага тортишга эмас, балки уни тўғри йўлга солишга *(профилактик огоҳлатириш, йўл-йўриқ кўрсатиш)* йўналтирилган. Уларнинг фаолияти ҳудуддаги ижтимоий сокинлик даражаси ва жиноятчилик қўрқувининг (fear of crime) пастлиги билан ўлчанади.

Хорижий давлатларнинг илмий-назарий концепцияларини Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан қиёсий таҳлил қилганда шундай хулосага келиш мумкинки, бизнинг миллий маъмурий-ҳуқуқий назариямиз ҳали ҳам маъмурий мажбурлов чорасининг *"интизомий-жазолаш"* хусусиятига ва ҳуқуқбузарлик фактини процессуал расмийлаштиришга кўпроқ урғу бермоқда. Илғор хорижий адабиётлар эса баҳолашнинг марказига *жазонинг муқаррарлиги* ёки *протоколлар сонини* эмас, балки ижтимоий муҳитнинг соғломлашувини, маъмурий ҳаракатнинг мутаносиблигини ва фуқароларнинг хавфсизлик ҳиссини қўяди. Ушбу кескин назарий зиддият миллий қонунчилигимиздаги ва идоравий норматив ҳужжатлардаги баҳолаш *(KPI)* индикаторларини парадигмал жиҳатдан тубдан қайта кўриб чиқиш, жазоловчи ёндашувдан хизмат кўрсатувчи моделга ўтиш зарурлигини илмий жиҳатдан тасдиқлайди.

Миллий гвардиянинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти унинг жамоат тартибини сақлаш, объектларни қўриқлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш борасидаги кундалик хизмат фаолиятининг ажралмас, узвий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу амалиёт Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида"ги ЎРҚ-647-сонли Қонуни [12] ҳамда бошқа бир қатор идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖтК) 248^1-моддасига мувофиқ, Миллий гвардия органлари жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш *(187-модда),* майда безорилик *(183-модда),* совуқ қурол ёки спорт буюмларини қурол сифатида олиб юриш *(185^2, 185^3-моддалар),* вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш *(188-модда)* каби ўнлаб тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий баённомалар тузиш ваколатига эгадир. Мазкур ваколатларнинг

[10] *Miyazawa S.* Policing in Japan: A Study on Making Crime. – Albany: State University of New York Press, 1992. – P. 142-145.
[11] *Amano K.* Legal Sociology and State Apparatus in Japan. – Tokyo: Yuhikaku Publishing, 1995. – P. 88-90.
[12] "Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида"ги ЎРҚ-647-сонли Қонуни 18.11.2020 й. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2020 й., 03/20/647/1529-сон // URL: https://lex.uz/docs/5108865

қонунчилик даражасида мустаҳкамланиши Миллий гвардиянинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга ва жамоат хавфсизлигини тезкор таъминлашга хизмат қилмоқда. Бироқ, фаолиятни амалий ташкил этиш, уни бошқариш ва баҳолашнинг амалдаги тизимининг чуқур таҳлили қуйи тизимда, яъни патруль хизматини ўташ жойларида бир қатор ўткир амалий ва тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Шу ўринда, баҳолаш тизимининг (KPI) амалдаги ҳолати, кадрлар салоҳияти ва рақамли инфратузилма таҳлилига назар ташласак. Дарҳақиқат, бугунги кунда Миллий гвардиянинг патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш ва бўлинмаларнинг хизмат юки мустаҳкам қонунчилик базаси ва идоравий-йўриқномавий ҳужжатлар билан таъминланган бўлса-да, бу фаолиятни индивидуал ва жамоавий баҳоловчи KPI *(Key Performance Indicators - Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари)* тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш мураккаб кечмоқда[13]. Амалиётда патруль-пост хизматига хизматчиларни жалб қилиш ва уларни тайёрлаш тизими ўзига хос тартибга эга. Патруль хизматини самарали ташкил этишда кадрлар билан таъминлаш ва уларни доимий ўқитиш масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд тартибга кўра, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия патруль бўлинмаларига хизматга қабул қилиш белгиланган қатъий танлов ва аттестация талаблари асосида амалга оширилмоқда: номзодлар белгиланган тартибда умумий билим даражаси, психологик барқарорлик ва жисмоний тайёргарлик синовларидан ўтадилар. Лекин, юқори жисмоний ва психологик тайёргарликка эга бўлиб хизматга қабул қилинган ходимнинг кундалик ҳуқуқни қўллаш фаолиятини холис, автоматлаштирилган тарзда баҳоловчи интеграциялашган рақамли тизим тўлиқ шаклланмаганлиги кўплаб саволларни келтириб чиқармоқда.

Рақамлаштириш, *“Электрон ҳукумат”* доирасида ахборот алмашинуви ва инновацион технологияларни жорий этиш соҳасидаги реал ҳолатни таҳлил қилганда, энг катта муаммолардан бири сифатида рақамли назорат воситалари ва турли идоралар маълумотлар базаларининг ўзаро интеграция қилинмаганлигини яққол кўрсатиш мумкин.

Сўнгги йилларда давлат миқёсида *“Smart Justice” (Ақлли адолат)* ва *“E-Patrol”* каби замонавий рақамли лойиҳалар жорий этилаётганига қарамай, уларнинг қуйи бўғинлардаги амалий ижроси қониқарсиз даражада қолмоқда. Қоидага кўра, патруль ходими кўчада ёки жамоат жойида хизмат олиб бораётганда, жойида туриб қидирувдаги шахсни аниқлаш ёки гумонланувчи фуқаронинг шахсига аниқлик киритиш учун ички ишлар органларининг, ФХДЁ ва бошқа идораларнинг маълумотлар базасига тезкор, мобиль уланиш имкониятига эга бўлиши лозим[14].

Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирча бундай идоралараро интеграция тўлиқ ва узлуксиз таъминланмаган. Ҳар бир патруль ходимининг қўлида онлайн режимда фуқароларнинг жиноий ҳисобга олинганлик, қидирувда эканлик ёки муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлик маълумотларини мустақил текшириш воситаси *(ишловчи*

[13] *Туракулов З. З.* Патрул-пост хизмати фаолиятини амалга оширишда ташкилий механизмларни такомиллаштириш масалалари // Journal of Sustainability in Integrated Policy and Practice. – 2025. – Vol. 3, № 7. – Б. 54–65. – URL: https://journals.proindex.uz/-index.php/SIPP/article/view/2645

[14] *Ўша манбаа:* Journal of Sustainability in Integrated Policy and Practice. – 2025. – Vol. 3, № 7. – Б. 54–65. – URL: https://journals.proindex.uz/index.php/SIPP/article/view/2645

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 4 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

планшет ёки махсус смартфон) етарли эмас. *“E-Patrol”* ахборот тизими ишлаб чиқилган бўлса-да, унинг Миллий гвардия хизматчиларининг барча қатламларини қамраб олиши даражаси пастлиги сабабли, ходимлар фуқаронинг шахсини аниқлаш учун уни энг яқин таянч пунктига ёки Ички ишлар бўлимига олиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса жараённи чўзиб юборади, фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини чеклайди ва ўз навбатида, ходимнинг фаолиятини баҳолашдаги асосий KPI кўрсаткичларидан бири бўлган *“тезкорлик ва фуқароларга ноқулайлик туғдирмаслик”* тамойилининг бузилишига олиб келади.

Қуйида биз Миллий гвардия ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маъмурий фаолиятини баҳолашдаги амалдаги миллий кўрсаткичлар ҳамда илғор хорижий давлатларнинг *(Германия, Япония, Буюк Британия)* KPI моделлари ўртасидаги батафсил қиёсий таҳлилига назар ташласак.

1-жадвал. Маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётини баҳолаш моделларининг қиёсий таҳлили

Баҳолаш мезонлари ва параметрлари	**Ўзбекистон** *(Амалдаги миллий ҳолат)*	**Германия модели** *(Bundespolizei / Landespolizei)*	**Япония модели** *(Koban тизими)*	**Буюк Британия модели** *(PEEL дастури)*
Фаолиятни баҳолашнинг асосий индикатори	Тузилган маъмурий баённомалар, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва ушланган шахсларнинг статистик сони *(асосан миқдорий ўлчовлар).*	Маъмурий ҳаракатнинг мутаносиблиги, қонунийлиги ва суд томонидан бекор қилинмаган қарорларнинг юқори улуши.	Маҳаллий аҳолининг полиция хизматига бўлган кундалик ишончи, ҳудуддаги осойишталик ва жиноят кўрқувининг пастлиги.	Маблағларнинг самарали сарфланиши, маҳаллий муаммони ҳал этиш тезлиги, процессуал қонунийлик ва легитимлик.
Рақамли инфратузилма ва базалар интеграцияси	Қисман жорий этилган. *(“E-Ma'muriy ish” мавжуд, лекин “E-Patrol” ва ИИВнинг тезкор базалари тўлиқ интеграция қилинмаган).*	Тўлиқ ва мутлақ интеграция *(Inpol-Neu ва POLAS тизимлари орқали барча маълумотларга мобиль қурилмадан кириш).*	Юқори даражадаги локал ва миллий маълумотлар интеграцияси, маҳаллий аҳолининг рақамли паспортизацияси.	Ягона миллий маълумотлар базаси *(PNC - Police National Computer)* орқали реал вақтда узлуксиз уланиш имконияти.
Фуқаролар шикоятининг баҳолашга таъсири	Асосли шикоят ходимга нисбатан интизомий жазо беришга асос бўлади, лекин тизимли KPI баҳолашда паст математик вазнга эга.	Бўлинманинг ва ходимнинг умумий рейтингига кескин салбий таъсир кўрсатувчи *(чегирувчи)* асосий омил ҳисобланади.	Жамоатчилик кенгашлари орқали тўғридан-тўғри ходим рейтингини туширади ва ҳудуддан ўтказилишига сабаб бўлади.	Мустақил инспекция *(HMICFRS)* томонидан бўлинманинг легитимлик кўрсаткичи даражасининг кескин пасайишига олиб келади.

Маъмурий чоранинг асосий мақсади ва характери	Интизомий таъсир кўрсатиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва жарима ундириш орқали тартибга чақириш.	Вазиятни барқарорлаштириш, хавфни бартараф этиш ва қонунга итоаткорликни тиклаш *(Энг кам зарар келтириш).*	Муаммони жойида, низосиз ҳал этиш, фуқарони тўғри йўлга солиш, жамиятдан ажратиб қўймаслик *(Профилактик).*	Жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтириш ва такрорий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Таҳлиллар шуни яққол кўрсатадики, гарчи янги Ўзбекистонда электрон ҳукумат ривожланаётган бўлса-да, патруль хизматидаги маъмурий амалиётда ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш жараёни ҳали ҳам кўп ҳолларда эскича усулда амалга оширилмоқда.

Электрон базаларнинг *“Data-Silo” (маълумотларнинг ёпиқлиги, изоляцияси)* ҳолатида эканлиги сабабли, маъмурий жавобгарликка тортишнинг тезкорлик ва шаффофлик тамойилларига путур етмоқда, бу эса ўз навбатида турли коррупциоген хавфларни юзага келтириш эҳтимолини оширади.

1. Шу ўринда, амалий ва норматив таҳлил жараёнида аниқланган яна бир ўта муҳим ва тизимли жиҳат – бу *Миллий гвардия бўлинмалари* ва *Ички ишлар органларининг* жамоат тартибини сақлашдаги биргаликдаги, қўшма хизматидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидан ва кундалик кузатувлардан маълумки, кўп ҳолларда тунги ва кундузги патруль йўналишларида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари *(ёки ходимлари)* ҳамда Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати *(ППХ)* ходимлари бирлаштирилган қўшма наряд сифатида биргаликда хизмат олиб борадилар. Бундай ёндашув куч ва воситалардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзаро ёрдам нуқтаи назаридан ўзини оқлайди.

Бироқ, бундай биргаликда хизматни ўташ пайтида Миллий гвардия вакилларининг ҳуқуқий мақоми норматив жиҳатдан янада аниқлаштиришни талаб қилади, зеро уларнинг ҳар бири *(ИИО ходими ва Миллий гвардия хизматчиси)* турлича идоравий бўйсунувга ва ҳисоботдорликка эга [15] . *Масалан,* биргаликдаги патруль томонидан кўчада жамоат тартибини бузувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик *(айтайлик, майда безорилик ёки белгиланмаган жойда спиртли ичимлик ичиш)* аниқланганда, маъмурий баённомани айнан қайси идора вакили расмийлаштириши кераклиги, ушланган шахс қайси органга топширилиши ва энг асосийси, ушбу *“натижа”* қайси органнинг статистикасига *(яъни, қайси ходимнинг KPI кўрсаткичига)* қўшилиши амалдаги қонуности ҳужжатларида ва МЖтКда аниқ, қатъий дифференциация қилинмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ҳам 248-моддаси *(Ички ишлар органлари)*, ҳам 248[1]-моддаси *(Миллий гвардия органлари)* бир хил тоифадаги кўплаб ҳуқуқбузарликлар бўйича параллель ваколатларни тақдим этади. Натижада, идоралар ўртасида кўрсаткичларни шакллантиришда *“натижа талашиш” (ким кўпроқ баённома тузиши)* ёки аксинча, жавобгарликни ва ҳужжатлаштиришдек мураккаб процессуал ишни бир-бирининг зиммасига юклаш, фуқарони икки идора ўртасида сарсон қилиш каби ўткир

[15] *Туракулов З. З.* Патрул-пост хизмати фаолиятини амалга оширишда ташкилий механизмларни такомиллаштириш масалалари // Journal of Sustainability in Integrated Policy and Practice. – 2025. – Vol. 3, № 7. – Б. 54-56. – URL: https://journals.proindex.uz-/index.php/SIPP/article/view/2645/2810

амалий муаммолар туғилмоқда. Бундай ваколатларнинг такрорланиши *(дублирование)* шароитида ходимнинг индивидуал фаолиятини холис баҳолаш имконсиздир.

Мазкур параграф доирасида олиб борилган кенг кўламли назарий, қиёсий ва амалий таҳлилларга таяниб, шунингдек, маъмурий юрисдикция соҳасидаги қонунчиликни инвентаризация қилиш натижаларидан келиб чиқиб, тадқиқотчи сифатида шуни алоҳида ва қатъий таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Миллий гвардиянинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фаолиятни баҳолаш тизимида қуйидаги концептуал ва ҳуқуқий бўшлиқлар *(пробеллар)* очиқ-ойдин намоён бўлмоқда. Буларга:

***Биринчидан,* KPI баҳолаш тизимининг ягона, қонун даражасидаги норматив-ҳуқуқий базаси мавжуд эмаслиги муаммоси.**

Бугунги кунда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг фаолиятини баҳолаш асосан ички идоравий буйруқлар, йўриқномалар ва фармойишлар билан тартибга солинмоқда. Лекин, давлат бошқаруви назариясига кўра, KPI баҳолаш тизими объектив ва адолатли бўлиши учун у фақат ёпиқ идоравий ҳужжатлар билан эмас, балки жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган, очиқ, барча учун тушунарли бўлган Ягона миллий норматив ҳужжатга *(касбий стандартга ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорига)* асосланиши керак. Ички буйруқларга асосланган баҳолаш тизими ҳеч қачон субъективликдан ва идоравий манфаатдорликдан холи бўла олмайди, чунки бу тизимда баҳоловчи ҳам *(раҳбар),* баҳоланувчи ҳам *(ходим)* битта ёпиқ тизим ичидаги мансабдор шахслардир. Бу эса тизимнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш *(корпоратив бирдамлик)* инстинктини кучайтириб, фуқароларнинг манфаатларини иккинчи даражага тушириб қўяди.

***Иккинчидан,* рақамли инфратузилмадаги чуқур номутаносиблик ва *"Data-Silo"* синдроми.** Юқоридаги таҳлилларда қайд этилганидек, патруль ходимининг воқеа жойида туриб, тезкор ва комплекс маълумот олиш имконияти техник ва институционал жиҳатдан чекланганлиги маъмурий ҳуқуқни қўллашнинг процессуал муддатлари қўпол равишда бузилишига олиб келмоқда. Фуқаронинг шахсини, унинг маъмурий тарихини ёки транспорт воситасига оид маълумотларни аниқлаш учун уни таянч пунктларига ёки ИИБ бўлимларига мажбуран олиб бориш талаб этилмоқда. Бу жараён кўп ҳолларда соатлаб вақтни олади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан бу ҳолат фуқароларнинг Конституцияда белгиланган эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чеклаш *(де-факто ушлаб туриш)* ҳисобланади ва жамиятнинг Миллий гвардияга нисбатан ишончининг кескин пасайишига сабаб бўлади.

Баҳолаш тизимидаги KPI кўрсаткичлари фақатгина маълумотлар базалари *(масалан, Судларнинг "E-Ma'muriy ish", Адлия вазирлигининг ФХДЁ, ИИВнинг "E-Patrol" ва "Shaxs" базалари)* барча патруль хизматчилари учун мобиль платформаларда тўлиқ интеграция қилингандан сўнггина автоматик, реал вақтда ва инсон омилисиз ишлаши мумкин.

***Учинчидан,* ваколатлар ва мақомларнинг ноаниқлиги натижасидаги процессуал тафовутлар ва коллизиялар.** Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ходимларининг жамоат жойларида биргаликда хизмат олиб бориши шароитида уларнинг маъмурий юрисдикция ҳуқуқлари бевосита кесишади. Бу жараёнда ким асосий *(лидер),* ким эса ёрдамчи эканлиги норматив жиҳатдан ноаниқ қолмоқда. Хизмат вақтида функцияларнинг юқори даражада такрорланиши ходимлар фаолиятини индивидуал баҳолашни *(Individual Performance Evaluation)* имконсиз қилиб қўяди.

ISSN: 2181-3906 2026

International scientific journal
«MODERN SCIENCE AND RESEARCH»
VOLUME 5 / ISSUE 4 / UIF:8.2 / MODERNSCIENCE.UZ

Баҳолаш тизими объектив, ўлчанадиган ва адолатли бўлиши учун ҳар бир хизматчининг аниқ, фақат ўзига тегишли бўлган, бошқа идора билан такрорланмайдиган жавобгарлик зонаси ва процессуал мажбурияти бўлиши шарт.

Тадқиқотчи сифатида ушбу муаммоларни комплекс ҳал қилиш ва Миллий гвардия фаолиятини баҳолашда жазоловчи статистикадан воз кечиб, хизмат кўрсатиш сифатига ўтиш учун мутлақо янги, математик ва мантиқий жиҳатдан асосланган ***"Рақамли-Интеграциялашган Рейтинг Модели"ни (Digital-Integrated Rating Model - DIRM)*** миллий қонунчиликка ва амалиётга жорий этиш таклиф қилинади.

Мазкур инновацион моделнинг математик ва мантиқий ифодаси қуйидагича шаклланади:

$$KPI_{umumiy} = \alpha(A_e) + \beta(I_j) - \gamma(Sh_f)$$

Бу ерда моделнинг ҳар бир элементи ўзига хос ҳуқуқий ва амалий юкка эга:

- A_e – электрон тарзда, бевосита воқеа жойида *(фуқарони бўлимга олиб бормасдан, вақтини олмасдан)* ҳал этилган маъмурий ишлар ва расмийлаштирилган профилактик огоҳлантиришлар салмоғи. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, ходим шунча кўп рақамли технологиялардан унумли фойдаланаётганлигини билдиради.
- I_j – жамоатчиликнинг *(ҳудуд аҳолисининг)* хизматчи фаолиятидан қониқиш индекси. Бу мустақил сўровномалар ва *"E-Patrol"* тизими орқали фуқароларга юбориладиган SMS-баҳолаш орқали аниқланади *(масалан, банк ёки давлат хизматлари марказларидаги каби "Хизматдан қониқдингизми?" тизими)*.
- Sh_f – фуқароларнинг асоссиз ушлаб туриш, ваколат доирасидан четга чиқиш ёки муомала маданиятини бузиш бўйича асосли *(тасдиқланган)* шикоятлари сони. Бу чегирма коэффициенти бўлиб, умумий баллдан айириб ташланади.
- α, β, γ – ҳар бир кўрсаткичнинг миллий менталитет ва ҳудуддаги криминоген вазиятдан келиб чиқиб белгиланадиган вазн коэффициентлари.

Ушбу DIRM модели доирасида Миллий гвардия хизматчисининг муваффақияти у қанча кўп одамни ушлаб бўлимга олиб келгани ёки қанча кўп жарима ёзгани билан ўлчанмайди. Аксинча, ходим жойида туриб, вазиятни тўғри баҳолаб, профилактик тушунтириш орқали ҳуқуқбузарликни бартараф этса ва вазиятни электрон қайд этиб ҳал қилса, шунча юқори рейтинг балли тўплайди. Бу эса тизим ходимларининг психологик мотивациясини ўзгартириб, фаолиятнинг реал ҳаётда жазолашдан инсонларга хизмат кўрсатишга, уларни муҳофаза қилишга ўтишини амалда кафолатлайди.

Миллий гвардиянинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий базанинг амалдаги ҳолати ва фаолиятни баҳолаш тизимини комплекс, илмий ва танқидий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги аниқ, илмий асослантирилган амалий хулосалар ва қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248 ва 248-1-

моддалари нормаларини қайта кўриб чиқиш ва тегишли идоравий ҳужжатларга қўшма патруллик хизмати пайтида Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ходимларининг маъмурий процессуал ваколатларини аниқ чегараловчи (дифференциация қилувчи) нормаларни киритиш лозим. Бунда қонунчиликда "Ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарлик факти бўйича процессуал ҳаракатни ва ҳужжатлаштиришни айнан шу ҳуқуқбузарликни биринчи бўлиб визуал ёки техник аниқлаган муассаса вакили мустақил расмийлаштириши шарт" деган тамойилни қатъий белгилаш таклиф этилади. Бу идоралар ўртасидаги натижа талашиш ёки масъулиятдан қочиш иллатларига чек қўяди.

Иккинчидан: Ёпиқ идоравий буйруқлар амалиётидан чекинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан *“Жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятини KPI асосида баҳолашнинг Ягона миллий методикаси”*ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур. Ушбу ҳужжатда ходимларни баҳолашда миқдорий кўрсаткичлардан кўра сифат кўрсаткичларига *(жамоатчилик ишончи, мутаносиблик ва процессуал тезкорлик)* устуворлик берилиши қонунан мустаҳкамланиши керак. Бу баҳолаш мезонларининг субъективликдан холи бўлишини ва шаффофлигини таъминлайди.

Учинчидан *(Рақамлаштириш бўйича таклиф):* “E-Patrol” ахборот тизимини Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлашга жалб этилган барча мобиль бўлинмалари учун мажбурий тарзда жорий этиш лозим. Шунингдек, мазкур тизимнинг Ички ишлар органларининг криминалистик базаси, Судларнинг ахборот тизимлари ҳамда ФҲДЁ базаси билан онлайн *(реал вақт режимида)* узлуксиз интеграциясини таъминлашни Вазирлар Маҳкамаси даражасидаги норматив ҳужжат билан мажбурий қилиб белгилаш керак. Бу фуқароларни шахсини аниқлаш мақсадида асоссиз равишда бўлимларга олиб бориш амалиётига барҳам беради.

Ушбу таклиф этилаётган инновацион моделлар ва ҳуқуқий механизмлар нафақат маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади, балки фаолиятни баҳолашдаги мавжуд субъектив омилларни бутунлай бартараф этади. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ушбу тизимли ўзгаришларни муваффақиятли жорий этиш нафақат маъмурий процессуал амалиётда, балки бевосита жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириш жараёнида баҳолаш мезонларини қўллашдаги янада чуқурроқ ҳуқуқий ва тизимли муаммоларни ўрганишни талаб қиладики, бу ўзига хос мураккаб масалалар мантиқий равишда диссертациянинг кейинги параграфида асосий тадқиқот объекти сифатида батафсил кўриб чиқилади.